



2018 yil "28." avgust № 447

Farg'ona shahri

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2018 йил 22 августдаги ПК-3917-сонли қарори тўғрисида**

Бюджет маълумотларининг очиклиги ва шаффофлигини янада ошириш, бюджет маблағларининг шаклланиши ва сарфланиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги ПК-3917-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги "Бюджет маълумотларининг очиклигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПК-3917-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Вилоят Молия бош бошқармаси (У.Мирзаев), Давлат солиқ бошқармаси (Х.Хабибидинов) шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда:

2019 йилдан бошлаб бюджет маблағларини тақсимлашда фуқаролар иштирокининг туман (шаҳар)лар бюджетлари қўшимча манбаларининг камида 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтирилишини;

маҳаллий бюджет ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари лойиҳалари, шунингдек маҳаллий бюджет ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар Халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгашларига тақдим этилишидан олдин мажбурий жамоатчилик муҳокамасига қўйилишини;

маҳаллий бюджет ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари лойиҳалари, шунингдек маҳаллий бюджет ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг хулосаларини "Очиқ бюджет" ахборот порталига жойлаштириш орқали бюджет харажатларининг манзиллилиги устидан жамоатчилик назоратини амалга оширилишини;

жамоатчилик фикрини шакллантириш учун туман (шаҳар)лар бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан молиялаштирилиш таклиф

этилаётган тадбирлар тўғрисидаги ахборотни “Очиқ бюджет” ахборот порталига жойлаштирилишини;

бюджет қонунчилигини бузиш ҳолатлари тўғрисида хабардор қилиш ва бюджет жараёнини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш имкониятини ўз ичига олган фуқаролар билан қайта алоқани ташкил этилишини таъминласинлар.

3. Вилоят ҳокимлиги Ташкилий-назорат гуруҳи (Д.Ўринов), вилоят, туман (шаҳар)лар халқ депутатлари Кенгашларига:

маҳаллий бюджетлар параметрлари ва ижроси ҳақидаги ҳисоботларни, келгуси йил учун ишлаб чиқилган бюджет лойиҳаларини Халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар)лар Кенгашлари томонидан кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

туман (шаҳар)лар бюджетлари, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳалари, маҳаллий бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқишда фуқароларнинг “Очиқ бюджет” ахборот портали келиб тушган фикр ва таклифларини таҳлил қилиш;

вилоят, туман (шаҳар)лар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан маҳаллий бюджетлар параметрлари ва ижроси ҳақидаги ҳисоботларнинг кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши жараёнини оммавий ахборот воситаларида ҳар томонлама ёритиб бориш вазифалари топширилсин.

4. Вилоят Молия бош бошқармаси (У.Мирзаев) шаҳар ва туманлар Молия органлари билан биргаликда:

“Фуқаролар учун бюджет” ахборот нашрига вилоят, туман (шаҳар)лар бюджети ижроси, маҳаллий бюджет кўшимча манбалари ҳисобидан жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга сарфланаётган маблағлар хусусида маълумотлар ва мақолалар таклифини киритиб борилишини;

Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджет-солиқ тадқиқотлари институти томонидан аҳоли ўртасида унинг бюджет саводхонлиги ва бюджетнинг очиқлиги даражасини ўрганишга қаратилган тегишли сўровлар ўтказиш жараёнида вилоят молия органларининг иштирокини таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Ортиқов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Ш.Ғаниев.